

ЎФФ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН ТАДБИРЛАРДА ОАВ ХОДИМЛАРИНИ АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ

I. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР

1. Мазкур Қоидалар Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ишлаб чиқилган бўлиб, барча турдаги ОАВ ва унинг ходимларини Ўзбекистон Футбол Федерацияси (кейинги ўринларда – ЎФФ) томонидан ўтказиладиган Тадбирлар учун аккредитациядан ўтказиш, ОАВ ва уларнинг ходимлари (журналистлар) ҳуқуқ ва мажбуриятлари, аккредитациядан маҳрум қилиш асослари ва тартиби, ЎФФ томонидан ўтказилаётган Тадбирларни ОАВ томонидан ёритилиши, шунингдек, ОАВ ходимларининг ЎФФ томонидан аккредитациядан ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалаларни тартибга солиди.

2. Аккредитация жараёни Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ тарзда оширилади ва мазкур Қоидалар ОАВ ходимлари ва журналистларнинг ҳуқуқларини ва уларнинг фаолиятини химоя қилади.

3. Мазкур Қоидаларда тилга олинган атамалар қуйидаги маъноларни беради:

1) «Аккредитация» - ОАВ ходимларини ЎФФ томонидан ўтказиладиган Тадбирларда қатнашишини мазкур Қоидалар ва талаблар асосида тартибга солиш, ЎФФ ва ОАВ ўзаро ҳуқуқ ва мажбуриятлари асосида ОАВ ходимлари ваколатини расмийлаштириш;

2) «ЎФФ» - Ўзбекистон Футбол Федерацияси

3) «ОАВ» - даврий босма нашрлар, радио ва телевидение, шунингдек Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан рўйхатдан ўтган бошқа ахборот тарқатувчи воситалар;

4) «Тадбир» - спорт тадбирлари, машғулот жараёнлари, матбуот анжуманлар, ЎФФнинг навбатдаги ва навбатдан ташқари анжуманлари, ЎФФ томонидан ўтказиладиган бошқа тадбирлар.

4. ЎФФ расмий сайтида (the-uff.com) эълон қилинган алоҳида Тадбирлар учун аккредитация жараёни ўтказилмайди.

2-модда

1. Мулк шакли ва муассислар таркибидан қатъий назар ҳар қандай ОАВ ўз ходимларини ЎФФ томонидан ташкил этиладиган Тадбир учун аккредитациядан ўтказиши мумкин.

2. ОАВ Тадбирларга ўз ходимларини аккредитациядан ўтказиш учун қуйидаги талабларга мос келиши керак:

- белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ёки бошқа хорижий мамлакат қонунчилигига мувофиқ рўйхатдан ўтган бўлиши;

- Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунига бўйсунуши ва амал қилиши, белгиланган муддатгача ўз ходимларини аккредитациядан ўтказиш учун ҳужжатларни барча талаблар асосида тақдим этиши;

- мазкур Қоидалар ва талабларга амал қилиши.

3. Аккредитациядан ўтмаслик Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида белгиланган журналистларнинг ҳуқуқларига даҳл қилмайди.

II. АККРЕДИТАЦИЯ ТУРЛАРИ. АККРЕДИТАЦИЯ

3-модда

1. ОАВ ходими қуйидаги йўналишларда аккредитациядан ўтиши мумкин:

1) босма даврий ОАВ учун мўлжалланган аккредитация ОАВ ходимиغا Тадбир ўтказилаётган жойдаги пресс-ложага, матбуот маркази ва конференц-залга, шунингдек, микст-зонага кириш ҳуқуқини беради;

2) фотомухбирлар учун мўлжалланган аккредитация уларга Тадбир ўтказилаётган жойдаги матбуот маркази ва конференц-залга кириш, шунингдек, майдон четида (суратга олиш учун махсус ажратилган ҳудудда) туриш ҳуқуқини беради;

3) радио ОАВ учун мўлжалланган аккредитация ОАВ вакилига Тадбир ўтказилаётган жойдаги пресс-ложага, матбуот маркази ва конференц-залга, шунингдек, микст-зонага кириш имконини беради;

4) телевизион ОАВ учун мўлжалланган аккредитация ОАВ вакилига Тадбир ўтказилаётган жойдаги пресс-ложага, матбуот маркази ва конференц-залга, микст-зонага, шунингдек, майдон четида (суратга олиш учун махсус ажратилган ҳудудда) туриш ҳуқуқини беради. Агар Тадбирни телетрансляция воситасида ёритиш ҳуқуқи битта телеканалга тегишли бўлса, бошқа телеканаллар бу телеканалга – Тадбирни суратга олиш ҳуқуқини тақдим этишни сўраб ҳуқуқ эгасига мурожаат қилишлари керак. Ҳуқуқ эгаси ҳисобланган телеканалнинг махсус рухсатномасиз матбуот анжуманлари ва микст-зонада ўйинчилар билан ташкил этилган мини-интервьюларни суратга олиш мумкин.

2. Аккредитация жараёни бошлангунича ЎФФ Матбуот хизмати аккредитацияларнинг ҳар бир йўналиши бўйича ОАВ ходимларининг умумий сонини аниқлайди.

3. Аккредитация тури, Тадбир, шунингдек, Тадбирнинг ўтказилиш жойи аккредитация картасида кўрсатилади.

4. Аккредитация картаси ОАВ ходимининг аккредитациядан ўтганини тасдиқловчи ҳужжат ҳисобланади.

5. Аккредитация картаси Тадбир ўтказиладиган жойга (ўтказилаётган Тадбирга қараб – стадион, матбуот анжумани бўлиб ўтадиган зал, ЎФФ биноси ва ҳақозолар), шунингдек, аккредитациянинг йўналишига кўра мазкур модданинг 1-бандида кўрсатилган ҳудудларга кириш ҳуқуқини беради.

III. АККРЕДИТАЦИЯ ОЛИШ ТАРТИБИ

4-модда

ЎФФ Матбуот хизмати аккредитация жараёни бошланишига энг камида 3 (уч) кун қолганда ОАВ ходимларини аккредитация жараёни, унинг муддати ва заявка бериш қодалари ва тартиби тўғрисида ўз расмий сайти орқали (the-uff.com) огоҳлантиради.

5-модда

1. ОАВ ходимларини аккредитациядан ўтказиш учун бериладиган заявка ОАВ ходимларини аккредитациядан ўтказиш учун асос бўлиб хизмат қилади. Мазкур заявка ЎФФ томонидан ОАВ учун махсус тақдим этилган бланка орқали ОАВ ходимлари учун тақдим этилган раҳбар имзоси ва муҳри билан тасдиқланган бўлиши шарт. Махсус бланкага мос келмайдиган форма орқали тўлдирилган заявкalar қабул қилинмайди.

Заявкага ОАВ ходимларининг 3x4 ҳажмдаги фотосуратлари илова қилиниши керак.

2. Аккредитация заявқаси ЎФФ матбуот хизмати электрон почтасига (media@the-uff.com) ёки факс орқали қуйидаги телефон рақамига жўнатилади (тел: (+99871) 244-16-83).

3. ОАВ ходими аккредитация олиш жараёнида берилган заявканинг асл нусхасини тақдим этиши шарт. Заявканинг асл нусхаси тақдим этилмаган ҳолатда, ОАВ ходимиغا аккредитация картаси берилмайди.

6-модда

1. Аккредитация учун заявка муддати якунига етгач, ЎФФ Матбуот хизмати барча йўналишлар бўйича Тадбирга аккредитация олиш истагини билдирган ОАВ ходимлари сонини ҳисоблаб чиқади.

2. Тадбир ўтказиладиган жой (Стадион, конференц-зал ва бошқалар) ОАВ ходимларини чекланган миқдорда сиғдира олса ва аккредитация учун берилган заявкalar сони ўша миқдордан ошиб кетса, Матбуот хизмати муҳимлик даражасига кўра ОАВ ходимларига аккредитация бериш ҳуқуқига эга.

3. Босма нашр ходимлари ва фотомухбирлар учун аккредитация беришда муҳимлик даражаси қуйидаги тартибда белгиланади:

1) Расмий ҳамкорлар/ ЎФФ ҳомийлари;

2) Спорт ҳақида хабарлар лентасига эга Ахборот агентликлари, Тадбирда иштирок этадиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан рўйхатдан ўтган кундалик нашрлар;

3) Ҳафталик футбол нашрлари, спорт тахририятига эга умумиллий нашрлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан рўйхатдан ўтган ва кундалик ташриф буюрувчилари сони 5000 (беш минг) дан ошиқ бўлган спортга ихтисослашган интернет сайтлари;

4) Ойлик футбол нашрлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан рўйхатдан ўтган ва кундалик ташриф буюрувчилари сони 5000 (беш минг) дан кам бўлган спортга ихтисослашган интернет сайтлари;

5) Футболни мунтазам равишда ёритиб борадиган Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига асосан рўйхатдан ўтган ойлик нашрлар, фотоархивлар;

4. Радио ОАВ учун аккредитация беришда муҳимлик даражаси қуйидаги тартибда белгиланади:

1) Расмий ҳамкорлар/ЎФФ ҳомийлари;

2) Спортга ихтисослашган радиостанциялар;

3) Бошқа радиостанциялар;

5. Телевидения ОАВ учун аккредитация беришда муҳимлик даражаси қуйидаги тартибда белгиланади:

1) Тадбирни трансляция йўли орқали ёритиш ҳуқуқига эга бўлган телеканал;

2) Умумиллий спорт телеканаллари;

3) Умумиллий телеканаллар;

4) Худудий телеканаллар;

6. Телевизион ОАВ ЎФФ томонидан ўтказиладиган Тадбирларни ёритиш учун ЎФФ билан мазкур Тадбирларни ёритиш бўйича алоҳида шартномага эга бўлишлари шарт. Телевизион ОАВ ходимлари аккредитацияга заявка бериш чоғида мазкур шартномани тасдиқлаши шарт.

7-модда

1. Аккредитация бериш ёки уни рад этиш тўғрисидаги қарор, аккредитация учун заявкalarни қабул қилиш муддати якунига етгач 3 кундан ортиқ бўлмаган муддат ичида, Тадбирга камида 2 кундан кам бўлмаган муддатда ЎФФ Матбуот хизмати раҳбари томонидан қабул қилинади.

2. ОАВга аккредитация беришни рад этиш қуйидаги ҳолатларда кўриб чиқилади:

1) Аккредитация олиш жараёнида ЎФФ Матбуот хизмати томонидан аккредитация бериш тўғрисидаги тасдиқланган қоидаларга амал қилмаслик.

2) Тадбир ўтказиладиган жой ОАВ ходимларини чекланган миқдорда сиғдира олса;

3. Бир ОАВ учун аккредитациялар сонини ЎФФ Матбуот хизмати белгилайди;

4. Аккредитация жараёнидан ўтган ОАВ ходимларига аккредитация картаси тақдим этилади.

5. Аккредитация карталарини бериш муддати ва жойи ҳақида ЎФФ Матбуот хизмати ўз расмий сайти (the-uff.com) орқали маълумот беради.

6. Аккредитацияларни олиш жараёнида ОАВ ходими ўзи фаолият юритадиган ташкилот ёки муассасадан берилган ишчи гувоҳнамасини кўрсатиши, фаолият

юритадиган ташкилоти томонидан тақдим этилган ишонч қоғози, ёки аккредитация учун берилган заявканинг оригинал нусхасини кўрастиши керак.

7. Аккредитацияларни олиш чоғида ОАВ ходими аккредитацияларни тақдим этилганлиги ҳақидаги хужжатга имзо қўйиши шарт.

8. ОАВ ходими аккредитация олиш учун эълон қилинган муддатда ўз аккредитация картасини олиб кетмаса, ЎФФ Матбуот хизмати аккредитация картасини бошқа ОАВ ходимига тақдим этиши мумкин.

IV. АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТГАН ОАВ ВА УЛАРНИНГ ВАКИЛЛАРИНИНГ ХУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

8-модда

1. Аккредитациядан ўтган ОАВ ходими шартлар асосида қуйидаги ҳуқуқларга эга:

1) Тадбир ўтказиладиган жой ва унинг муддати ҳақида батафсил ва ўз вақтида маълумотга эга бўлиш;

2) Аккредитация картаси тақдим этиладиган Тадбирда қатнашиш;

3) Ўз профессионал фаолиятини олиб бориши учун алоҳида жиҳозланган ва матбуот ходимлари учун мўлжалланган жойлардан фойдаланиш;

4) Ўзи учун керак бўлган маълумотни ЎФФдан сўраш;

5) Аккредитация картасида кўрсатилган шартларга зид бўлмаган ҳолатда, Тадбир иштирокчиларидан интервью олиш;

6) Кўрастилган тартибда ЎФФ расмий сайтидаги маълумотлардан фойдаланиш, (Маълумотлардан фойдаланилганда ЎФФ расмий сайти манзили кўрсатилиши шарт);

7) Маълумотларни чоп этиш мақсадида Тадбирга тегиши бўлган турли ахборотлардан фойдаланиши;

8) Аккредитация картасида кўрсатилган шартларга зид бўлмаган ҳолатда профессионал фаолияти учун зарур бўлган техника ва бошқа ускуналардан фойдаланиши;

9) «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида кўрсатилган бошқа ҳуқуқлардан фойдаланиш;

2. Аккредитациядан ўтган ОАВ ходимининг мажбуриятлари:

1) ЎФФ, унинг ходимлари ва Ўтказилаётган Тадбир иштирокчиларининг ҳақ-ҳуқуқлари, қарашлари ва касбий обрўсини ҳурмат қилиш;

2) Тарқатаётган маълумотнинг ҳаққонийлигига тўла ишончи ҳосил қилиш, фақат тўлиқ асосга эга фактларни тақдим этиши, фактларга асосланмаган, ёлғон маълумотларни тарқатмаслик, умумжорий нормаларга, журналистик этикага риоя қилиш, негатив характерга эга маълумотларни тарқатмаслик, ЎФФ, ЎФФ вакиллари ва Тадбир иштирокчиларини асоссиз ва исботсиз танқид қилмаслик;

3) Ўз профессионал бурчи ва ҳуқуқидан фойдаланиб, бошқа мақсадларда маълумот тарқатмаслик, маълумотларни сохталаштирмаслик, ўзи фаолият юритадиган ОАВдан бошқа жойга маълумот тарқатмаслик;

4) Ўзи иштирок этаётган Тадбир пайтда бошқаларга ҳалал бермаслик (Бевосита ОАВ учун уюштирилган Тадбир бўлса);

5) Алоҳида Тадбирлар учун чиқарилган қоидаларга амал қилиш;

6) Профессional бурчини адо этаётган пайтида, талаб этилган пайтда ўз шахсини тасдиқловчи хужжат ёки аккредитация картасини тақдим этиш;

7) ЎФФ Матбуот хизмати томонидан ўтказиладиган ҳар қандай сўрвономада (Ой ва йилнинг энг яхши футболчисини аниқлаш ва бошқалар.) иштирок этиш.

8) Маълумот бераётган шахс маълумот олувчига агар манба ёки муаллифни кўрсатишни илтимос қилса, бу талабни қондириш;

9) ЎФФ, унинг ходимлари ва Тадбир иштирокчилари шахсиятига тегишли бўлган маълумотларни ОАВда тарқатиш учун рухсат олиш (Бу маълумотлар шахсий манфаат йўлида тарқатилмаслиги шarti билан);

- 10) Маълумот олиш пайтида аудио ва видео техникадан фойдаланилиш олдидан бу ҳақда огоҳлантириш;
 - 11) Тадбир пайтида аккредитация картаси кўрсатилган ҳолда ОАВ учун маҳсус ажратилган жойларда бўлиш;
 - 12) Тадбир ўтказилаётган жой қабул қилган қоидаларга амал қилиш;
 - 13) ОАВ ходимлари учун маҳсус ажратилган ложада, матбуот анжумани ўтказиладиган жойда ва микст-зонада ўз профессионал бурчини адо этиш;
 - 14) ЎФФ томонидан тақдим этилган маҳсус жилетларда бўлиш (Фотомухбирлар учун);
 - 15) Ўзбекистон Республикасининг «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги Қонунида кўрсатилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга амал қилиш;
3. Ўз ходимларини аккредитациядан ўтказган ОАВ мажбуриятлари:
 - 1) ЎФФ рамзларидан тижорий мақсадларда маҳсус рухсатсиз фойдаланмаслик;
 - 2) ЎФФ ёки Тадбирга тегишли ахборот материалларини реклама қилмаслик;
 - 3) Тадбир ёритилаётганда Тадбирнинг расмий номини тақдим этиш;

V. ЎФФ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

9-модда

1. ЎФФ фақатгина аккредитациядан ўтган ОАВ ходимларигагина Тадбирларни ёритиш бўйича профессионал фаолият учун имконият яратиб беради.
2. Юқоридаги Қоидаларга мувофиқ ЎФФ куйидаги мажбуриятларни ўз бўйнига олади:
 - 1) аккредитациядан ўтган ОАВ ходимларини Тадбир ўтказилаётган ҳудудга ва уларга тегишли бўлган жойларга тўсиқсиз киришини таъминлаш;
 - 2) аккредитациядан ўтган ОАВ ходимларнинг профессионал фаолияти учун шароитлар яратиб бериш;
 - 3) ЎФФ белгилаган микдорда, ўтказилаётган Тадбир тўғрисидаги (Тадбир иштирокчилари таркиби ва ҳақозо) ахборот маълумотларини тақдим этиш;
 - 4) Тадбирнинг ўтказилиш вақти ва жойи, Тадбир ўтказилиш вақти ва жойи ўзгаргани ҳақида аккредитациядан ўтган ОАВ ходимларини ўз вақтида хабардор қилиш;
 - 5) ОАВ ходимларини мазкур Қоидаларга мувофиқ равишда аккредитациядан ўтказиш;
 - 6) аккредитация карталарини тақдим этиш, аккредитация карталарини тақдим этиш вақти ва жойи ҳақида ўз вақтида маълумот бериш;
 - 7) мазкур Қоидаларга тўлиқ амал қилиш.
3. ЎФФ ОАВ ходимларини аккредитациядан ўтказиш, алоҳида ОАВ ёки ОАВ ходимини аккредитациядан ўтказишни рад этиш ёки аккредитациядан маҳрум қилиш ҳақидаги қарорни қабул қилиш ҳуқуқига эга.

VI. ТАДБИРНИ ЁРИТИШ. ТАДБИР АҚС ЭТГАН ФОТО ВА ВИДЕОМАТЕРИАЛЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ

10-модда

1. Тадбирни сурат, овоз ва (ёки) тадбир воқеаларини исталган усул (ёки) исталган технология орқали, шунингдек, Тадбир кўрсатилган трансляция ва (ёки) фотосезувларни ёзиб олиш орқали ёритиш бўйича барча ҳуқуқлар, спорт тадбирлари ташкилотчиси сифатида, ЎФФга тегишли.
2. ЎФФ томонидан ташкил этилган мусобақаларни ёритиш ҳуқуқи фақатгина ЎФФнинг рухсати ёки ушбу ҳуқуқларни учинчи шахслар томонидан сотиб олиниши тўғрисидаги ЎФФ билан ёзма кўринишдаги шартнома асосида учинчи шахсларга тақдим этилиши мумкин.

11-модда

1. ЎФФ ходимлари, футбол бўйича Ўзбекистон терма жамоалари ўйинчилари ва унинг бошқа аъзолари суратларидан фойдаланиш ҳуқуқи ЎФФга тегишли.

2. ЎФФ томонидан ўтказилган Тадбирга тегишли видеоёзувлар Тадбирни ёритиш борасида ЎФФ билан келишувга эга, Тадбирни ёритиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилот билан ўзаро келишув асосида тақдим этилади.

3. ЎФФ томонидан ўтказилган бошқа Тадбирларга тегишли видеоёзувлар (Спорт Тадбирларидан бошқа) аккредитация шартларига мувофиқ фақатгина ахборот мақсадида фойдаланиш учун тақдим этилади.

4. ЎФФ томонидан ўтказилган Тадбирга тегишли фотосуратлар аккредитация шартларига мувофиқ фақатгина ахборот мақсадида фойдаланиш учун тақдим этилади.

5. ЎФФ томонидан ўтказилган Тадбирга тегишли видеоёзув ва фотосуратлардан тижорий мақсадларда фойдаланиш фақатгина ЎФФ билан махсус келишув асосида амалга оширилиши мумкин.

VII. АККРЕДИТАЦИЯДАН МАҲРУМ ҚИЛИШ

12-модда

1. Аккредитациядан маҳрум қилиш мазкур Қоидаларнинг бузилиши учун белгиланган жазони билдириб, бунинг натижасида ЎФФ тегишли ОАВ (ОАВ ходими)ни Тадбир учун аккредитациядан ўтказмайди.

2. Аккредитациядан маҳрум қилиш, мазкур Қоидалар ва Ўзбекистон Республикаси қонунчилигидан келиб чиққан ҳолда, тегишли ОАВга ҳам, ОАВнинг алоҳида ходимига нисбатан ҳам қўлланилиши мумкин.

3. ОАВ ходими, у чоп этган маълумотлар, сюжетлар ва бошқа ахборий ҳужжатларда ЎФФ фаолияти, Тадбирлар ҳақида нотўғри ва бузиб кўрсатилган маълумотлар чоп этилган тақдирда, бошқа ҳолатларда эса мазкур Қоидалар ва Тадбир ўтказилаётган жойдаги ахлоқ ва тартиб-интизом қоидаларига риоя қилмаганида аккредитациядан маҳрум қилиниши мумкин.

4. ОАВ, унда бир неча бор ЎФФ фаолияти, Тадбирлар тўғрисида нотўғри ва бузиб кўрсатилган маълумотлар, сюжетлар ва бошқа ахборий ҳужжатлар чоп этилган тақдирда, алоҳида ҳолатларда эса ОАВ томонидан мазкур Қоидалар, жумладан, мазкур Қоидаларнинг 8-моддаси 3-бандида кўрсатилган мажбуриятлар бузилса, аккредитациядан маҳрум этилиши мумкин.

5. Аккредитациядан маҳрум қилиш ҳақидаги қарор ЎФФ Президенти ёки ЎФФ Матбуот хизмати бошлиғи томонидан қабул қилинади.

6. Бунгача аккредитациядан маҳрум қилинган ОАВ ва/ёки ОАВ ходимини аккредитациядан ўтказишга рухсат бериш ҳақидаги қарор ЎФФ Президенти ёки ЎФФ Матбуот хизмати бошлиғи томонидан қабул қилинади.

**ЎФФ ТОМОНИДАН ЎТКАЗИЛАДИГАН
ТАДБИРЛАРДА
ОАВ ХОДИМЛАРИНИ
АККРЕДИТАЦИЯДАН ЎТКАЗИШ ТАРТИБИ
хақидаги Қоидага Илова 1**

«Аккредитация учун заявка формаси»

ЎФФ Матбуот хизмати Бошлиғига

_____ (ОАВ номи)

_____ дан

_____ (ОАВ раҳбари И.Ф.)

Аккредитация учун заявка

Сиздан _____ -нинг қуйида исмлари келтирилган ходимларини
(ОАВ номи)

кўрсатилган аккредитация турлари бўйича _____
(тадбир номи кўрсатилсин)

учун аккредитациядан ўтказишингизни ва аккредитация карталарини тақдим этишингизни сўрайман:

1. _____ - _____.
(ОАВ ходимининг Ф.И.О, тахририят гувоҳномаси ёки ишончномасининг №) (Қоидаларнинг 3-моддасига мувоқиқ аккредитация тури)
2. _____ - _____.
(ОАВ ходимининг Ф.И.О, тахририят гувоҳномаси ёки ишончномасининг №) (Қоидаларнинг 3-моддасига мувоқиқ аккредитация тури)
3. _____ - _____.
(ОАВ ходимининг Ф.И.О, тахририят гувоҳномаси ёки ишончномасининг №) (Қоидаларнинг 3-моддасига мувоқиқ аккредитация тури)

Мазкур заявка орқали аккредитация учун заявкalar топшириш тартибига бўйсуниб, барча керакли ҳужжатларни тақдим этиш, шунингдек ЎФФ томонидан ўтказилдиган Тадбирлар учун ОАВ ва унинг ходимларин аккредитациядан ўтказиш тартиби ва Қоидаларига амал қилишни ўз зиммамизга оламиз

_____ (Сана)

_____ / _____ /
(имзо)

_____ /
(Тўлиқ исм шарифи.)

М.Ў.